



ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Худудларда “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудованинг сайловчилар билан учрашувлари қизғин ўтди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига “Адолат” социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Робахон Махмудованинг сайловчилар билан навбатдаги учрашуви Жиззах вилоятидаги “Самбхрам” университетида бўлиб ўтди.

Учрашувда вилоят ёшлари, профессор-ўқитувчилар, меҳнат фаришлари, жамоат ташкилотлари аъ-

золари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Учрашувни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши раиси Ориф Шукуров олиб борди. Тадбир давомида ишончли вакил Иномжон

Қудратов сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Сўнг Президентликка номзод сўзга чиқиб, ўз Сайловолди дастуридан ўрин олган таклиф ва мақсадлари мазмун-моҳиятини сайловчиларга батафсил тушунтирди.

Хусусан, номзод ўз дастурида Ватанимиз тараққиёти йўлида ҳуқуқий демократик, ижтимоий

давлат ва барча учун фаровонлик таъминланган адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг социал-демократик модели таклиф этилаётганлигини, педагоглар ва тиббиёт ходимлари мақомини мустаҳкамлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, замонавий технологияларни кенг жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаб ўтди.



САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) сайловни кузатиш миссияси раҳбари Урсула Гачек билан учрашди.

Учрашувда қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш соҳасида ЕХХТ ДИИХБ билан ҳамкорликни чуқурлаштириш, шунингдек, бўлажак Президентлик сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Сайлов мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга доимий тус беришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Сайлов қонунчилиги ва сайловларни ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни амалга оширишда самарали ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Шунингдек, томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди. Сайлов қонунчилигини демократлаштиришнинг турли жиҳатлари бўйича ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни янада чуқурлаштиришга ҳар иккала тараф ҳам тайёр эканлигини қайд этди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири



HUQUQIY DAVLATNI BIRGALIKDA QURAMIZ!

MAXMUDOVA ROBAXON

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

9-IYUL

«АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД РОБАХОН МАХМУДОВАГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ



Шунингдек, дастурда инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат ва жамиятнинг энг юксак қадриятлари эканлиги тан олинди, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, мамлакатимизни эркинлик, адолатлилик, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ҳамда масъулият тамойиллари ҳукмронлик қиладиган, аҳолининг юқори турмуш даражасига эга ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига эришиш каби вазифа ва мақсадлар қамраб олинган.

Шу билан биргаликда, номзод дастуридан ўрин олган оилани мустақамлаш бўйича миллий индекслари, шунингдек, тегишли халқаро рейтингларда Ўзбекистон кўрсаткичларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, "Соғлом оила – соғлом жамият 2030" концептуал ғоясини амалга ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ҳамда имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, айниқса, қишлоқ жойлардаги аёл-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этишга оид эзгу ғоя ва таклифлар айтиб ўтилди.



Учрашувда сўзга чиққанлар иштирокчиларни номзод дастурини қўллаб-қувватлашга ва сайловда фаол фуқаролик позициясини намоён этган ҳолда иштирок этишга чақирди.

– **Партияимиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Робохон Махмудованинг Сайловолди дастури билан танишдик**, – деди халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати, Жиззах шаҳар "Оқила аёллар" ҳаракати раҳбари Офтобой Нишонов. – **Мазкур дастурда илгари сурилаган мақсад ва ғояларнинг эътиборли томони шунда бўлдики, номзод хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қа-**



ратиб, аёл-қизларимизнинг нафақат оилада, балки жамиятдаги ролини ошириш, уларнинг барча бўғиндаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидаги сонини кўпайтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оилавий зўравонликка қарши курашиш масалаларида аниқ ташаббус ва вазифаларни ўртага ташламоқда. Шу билан биргаликда, номзод дастурда оилани мустақамлаш бўйича миллий индекслари, шунингдек, тегишли халқаро рейтингларда Ўзбекистон кўрсаткичларини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишга доир мақсадларнинг илгари сурилаганлиги биз аёлларни қувонтирди, десак муболага бўлмайди.

– Бугун Ўзбекистон Республикаси Президентлигига "Адолат" социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Робохон Махмудованинг Сайловолди дастури билан ақидан танишиш имкониятига эга бўлдик, – деди халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати, "Адолат" СДП Зомин туман кенгаши раиси Муҳаммад Эгамназаров. – **Унинг мазмун-моҳияти, тузилиши, устувор йўналишлари ҳамда илгари сурилаган ғоя ва таклифлар мамлакатимизни янада тараққий эттиришга ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга йўналиштирилганлиги билан аҳамиятли бўлди.**

Масалан, номзод дастурида халқ депутатларининг фаолиятини янада жонлантириш билан боғлиқ масалалар ўрин олганлигига гувоҳ бўлдик.

Бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ролини кучайтириш орқали ижро ҳокимияти туздан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш ғояси мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришда энг муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ҳайламанки, бу каби чуқур таҳлилий асосларга эга мақсад-

лар сайловчиларимизнинг эътиборини тортди, уларнинг қўллаб-қувватлашга сабаб бўлади.

– **Маълумки, жорий йилнинг 9 июлида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловида жойларда қизгин тайёргарлик кетаяпти**, – деди халқ депутатлари Ш.Рашидов туман Кенгаши депутати, 16-умумтаълим мактаби директори Шоира Акбарова. – **Шу ўринда бугунги учрашувда гувоҳи бўлганимиздек, Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Робохон Махмудованинг Сайловолди дастурида илгари сурилаган ғоя ва мақсадлар ҳаётимизни, изчил асослантирилганлиги билан кўпчилиكنинг диққат-эътиборини тортмоқда. Айниқса, номзоднинг дастурида давлат ва жамият ривожига, фуқароларимизнинг ҳаёти фаровонлигини таъминлашга дахлдор бир қанча устувор йўналишлар қаторида ижтимоий соҳага, хусусан, мамлакатимизда илм-фан ва таълимни янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги диққатга сазовор.**

Унга кўра, таълимнинг барча босқичларида, мактабгача, мактаб ҳамда олий таълимда етишиб келаётган ёш авлодининг билими ва кўникмаларини бугунги замон талаблари даражасида шакллантириш, уларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, ўқитувчи касби нуфузини ва педагогларнинг сифат таркибини ошириш, ёшларимизнинг иқтидори ва қизиқишларидан келиб чиқиб, уларнинг келгусидаги камолоти учун зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқишга қаратилган қўллаб-қувватлаш ва вазифалар илгари сурилганлиги, албатта, истиқболда ўзининг ижобий самарасини беради.

Тадбир якунида Президентликка номзод томонидан сайловчиларнинг саволларига батафсил жавоб берилди.

Самарқанд вилояти. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Махмудова Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани маданият саройида самарқандлик сайловчилар билан учрашди.



Унда нуронийлар, фаол ёшлар ва хотин-қизлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирни "Адолат" СДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси ўринбосари Аскар Холиқов кириш сўзи билан очиб берди. У ўз нутқида кутилаётган муҳим сиёсий тадбир – Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловининг келгусида юртимиз равнақи ва фуқароларимиз фаровонлигини таъминлашдаги аҳамиятига алоҳида тўхтади.

Шундан сўнра номзоднинг бош ишончли вакили Иномжон Қўдратов томонидан йиғилганларга номзоднинг таржимаи ҳоли ва фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбир давомида Президентликка номзод сўзга чиқиб, ўз Сайловолди дастурида белгиланган устувор йўналишлар билан сайловчиларни яқиндан таништирди.

Таъкидланганидек, номзоднинг 9 та устувор йўналишдан иборат Сайловолди дастурида ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий адолатни ҳамда миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасини барқарор ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва бошқа масалаларга доир таклифлар илгари сурилмоқда.

Жумладан, номзод дастурида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, бу борада, энг аввало, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



– Шу боис, биз судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган бир қатор таклифларни илгари сурумқодамиз, – деди ўз чиқишида Президентликка номзод Робохон Махмудова. – **Ҳаммамизга маълумки, ҳозирда судьяларнинг ўз фаолияти юзасидан маҳаллий Кенгашларда мунтазам равишда ахборот бериш амалиёти мавжуд. Мазкур жараёнда судьялар чикарган суд қарорлари, айрим пайтларда эса ҳали юритувда бўлган ва ниҳоясига етмаган ишлар бўйича ҳам савол-жавоб қилиш ҳоллари учрайди. Шунга кўра, биз судлар мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяларнинг халқ депутатлари Кенгашларига ахборот бериш амалиётини бекор қилиш таклифини илгари сурумқодамиз.**

Дастурда, шунингдек, мактаб таълимининг халқаро таълим дастурлари асосида изчил ислоҳ қилиш, марказдан узоқ қишлоқларда яшаб, аёло бақолар билан ўқиган, ота-она қарамоғисиз қолган, кам таъминланган иқтидорли ёшларнинг давлат ҳисобидан олий таълим олишини кафолатлаш таклифлари ҳам илгари сурилаганлиги таъкидланди.

Шу билан бир қаторда, фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишувларга барҳам бериш юзасидан аниқ таклифларнинг ўртага ташлангани иштирокчиларда номзод дастурига нисбатан катта қизиқиш уйғотди.

Қолаверса, номзод дастуридан ўрин олган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларга оид ғоя ва мақсадлар тадбир иштирокчиларининг эътибор марказида бўлди.

Учрашувда сўзга чиққанлар номзоднинг Сайловолди дастури борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

– **Гувоҳи бўлдики, адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуришда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилияти ҳамда имкониятла-**

рини рўёбга чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда тақомиллаштириш "Адолат" социал-демократик партияси номзоди дастуридаги устувор йўналишларидан биридир, – деди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Тозагул Холиқова. – **Қолаверса, номзод дастуридан ўрин олган, қонун устуворлигини таъминлаш, адолатли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш каби устувор мақсадлар партияимиз ғояларига ҳамохандир.**

Шунингдек, номзоднинг дастурида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида хотин-қизлар улушини кўпайтириш каби бир қатор долзарб масалалар илгари сурилмоқда.

– **Мен ёшлар вакили сифатида бугунги учрашувда ўзимга керакли кўп маълумотларга эга бўлдим**, – деди Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Самарқанд вилоят ҳудудий бўлимидаги етакчи мутахассиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси Дилнур Аъзамов. – **Президентликка номзод Махмудова Робохон Анварованинг Сайловолди дастури ҳаётимизга ва кенг қамровлиги билан диққатимни тортди.**

Биз номзодимизнинг Сайловолди дастурида илгари сурилаган асосий йўналишга эътибор қаратсак, барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш бош вазифа сифатида алоҳида қайд этилганига гувоҳ бўламиз.

Бу бежиз эмас. Чунки қонун устувор бўлган жамиятда тинчлик ва оқилоллик ҳукм суради, тараққиётнинг барқарор ва бардавонлиги таъминланади, халқнинг давлат сиёсатига ва келажакка бўлган ишончи ортади, фуқароларнинг Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалади.

– **Халқимиз "Адолат" партиясини қонун устуворлиги, адолат тантанаси, инсон ҳуқуқлари, социал-демократик ғояларни илгари сурувчи сиёсий куч сифатида билади. Мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки партияимизнинг дастурий вазифалари сирасига кириди**, – деди халқ депутатлари Нуробод туман кенгаши депутати, 73-умумтаълим мактаби директори Бахриддин Қиличов. – **Номзоднинг Сайловолди дастурида илгари сурилаган мақсад ва вазифалар ҳам партия ғояларига ҳамбарбас бўлди. Шу боис, дастурда илгари сурилаган адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этишда таълим, илм-фан ва инновацияларнинг аҳамиятини ошириш, таълим ва илм-фан билан шугулланувчиларни қўллаб-қувватлаш ташаббуси, ўйламанки, ҳеч бир сайловчининг бефар қолдирмайди.**

Умуман, номзод дастурида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча жабҳалари қамраб олинган.



Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Махмудова Робохон Анварованинг номзодини қўллаб-қувватлаб, унинг учун овоз беришга қақираман.

Тадбир якунида сайловчиларни қизиқтирган саволларга Президентликка номзод томонидан батафсил жавоблар берилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Махмудованинг ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлари ўз якунига етди.

"Адолат" СДП Матбуот хизмати

Депутат минбари

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.Абдуҳақимовнинг «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳолати юзасидан ахбороти эшитилди.

ПАРЛАМЕНТ
ЭШИТУВИ
ТАНҚИДИЙ
РУҲДА ЎТДИ



Қодир ЖўРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро
ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси
раисининг ўринбосари

Маълумки, сўнгги 3 йилдан бери бутун мамлакатимиз миқёсида дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги «Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида, шунингдек, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси 80-мақсадида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш ҳамда ҳар йили камида 200 миллион туپ дарахт экиш белгиланган.

Эътироф этиш лозимки, умуммиллий лойиҳа доирасида юртимиз бўйлаб теварақ-атрофи кўкаламзорлаштириш, яшил майдонларни кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2022 йилда 202,7 миллион дона, 2023 йил баҳор мавсумида 127,7 миллион дона дарахт кўчатлари экилган ҳамда «Яшил макон» электрон платформасига жойлаштирилган. Бундан ташқари, дарахт ва буталарнинг кесилишига нисбатан эълон қилинган мораторийнинг муддатсиз даврга узайтирилгани ҳам яшил зоналарни сақлаб қолишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шунга қарамай, айрим ҳудудларда лойиҳани ижро этишда қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Жумладан, «приписка», яъни экилмаган кўчатларни экилди деб, ҳисоботларга қўшиб ёзиш ҳолатлари учрамоқда. Бундан ташқари, экилган кўчатларни сақлаш ва парваришlashга масъул шахсларни бириктирмаслик ва уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонида сўғориш имконияти мавжуд бўлмаган ҳудудларга кўчатлар экилиши тақиқланганлигига қарамай кўчатлар экилмоқда. Оқибатда эса уларнинг куриб қолиш ҳолатлари юз бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, «Адолат» СДП фракцияси депутатлари томонидан ушбу хато ва камчиликларни тузатиш бўйича бундан ролпа-роса 1 йил олдин – 2022 йил 20 июнда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига (вазирлиқнинг ўша пайтдаги номи) депутат сўрови юборилган эди.

Шунга қарамай, хато ва камчиликларнинг аксарияти ҳали-ҳануз сақланиб қолмоқда. Шу боис, «Адолат» СДП фракцияси келгусида ишларни янгича тизим ва ёндашув асосида йўлга қўйиш лозим, деб ҳисоблайди ва қўйидаги таклифларни билдиради:

Биринчидан, **СОҲАДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ, ХУСУСАН, «ЯШИЛ МАКОН» ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.**

Иккинчидан, **АҲОЛИ, АЙНИҚСА, ЁШ АВЛОД ОНГИДА ОНА ТАБИАТНИ АСРАШ, ЭКИЛГАН ДАРАХТЛАРНИ ЭХТИЁТ ҚИЛИБ ПАРВАРИШЛАШ КАБИ ҒОЯЛАРНИ СИНГДИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ.**

Учинчидан, **ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ, АЙНИҚСА, НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН УЗВИЙ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ҲАМДА ФЕЙСБУК, ТЕЛЕГРАМ КАБИ ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА МАҲСУС САҲИФА ВА БОТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИ МУНТАЗАМ КУЗАТИБ БОРИШ.**

Тўртинчидан, **РЕСПУБЛИКАМИЗ ХУДУДИНИНГ КАТТАГИНА ҚИСМИ АРИД ВА ЯРИМ АРИД ЗОНАЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ДАРАХТ ВА БУТАЛАРНИНГ СУВСИЗЛИК ВА ҚУРҒОҚЧИЛИККА ЧИДАМЛИ БЎЛГАН ТУРЛАРИНИ ЭКИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ.**

Бешинчидан, **ЖОЙЛАРДА КЎЧАТХОНАЛАР СОНИНИ ОШИРИШ, УЛАРДА СЕЛЕКЦИЯ ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ.**

Олтинчидан, **ҲАР ЙИЛГИ КЎЧАТ ЭКИШ МАВСУМИНИ СЎҒОРИШ МАНБАЛАРИНИНГ МАВЖУДЛИГИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, АНИҚ ҲИСОБ-КИТОБЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ.**

Танқидий руҳда ўтган парламент эшитуви нихоясида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ижроси доирасидаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Фракция йиғилиши

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ
НЕГА ТОРТИШУВЛАРГА
САБАБ БЎЛДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси йиғилишида «Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартiriшлар кириштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш, вояга етмаганлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш бўйича кенг

қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 78-моддасида «Фарзандлар ота-онанинг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний

манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир», деб белгилаб қўйилди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган ўта оғир бўлмаган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахсининг судланмаган деб ҳисобланиши ва вояга етмаганларга нисбатан озодлиқни чеклашнинг ҳамда озодлиқдан маҳрум қили

лининг энг кам муддатини олти ойдан бир ойга қисқартирилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартiriшлар киритилмоқда.

Муҳокамалар чоғида фракция аъзолари қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган таклифлар эътиборга олингани, лойиҳа ҳар томонлама пишиқ-пuxта ҳолатга келтирилганлигини алоҳида қайд этдилар.

«Адолат» СДП ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб, уларни миллий

ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаб, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик ҳисси, фидокорлик каби туйғуларни уйғотиб, турли мафкуравий таҳдидлардан чегаралайди. Қонун лойиҳасида ўз ифодасини топаётган нормалар партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларга уйғун ва ҳам-оҳангдир.

Депутатларнинг таъкидлашича, ушбу ҳужжат вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлигини янада либераллаштирилишига хизмат қилади

ва ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахсга ўз ҳаётини судланганлик тамғасидан холи таразда янгидан бошлашига имкон яратади.

Мажлисида депутатлар қонун лойиҳасидаги айрим нормалар юзасидан асосли саволларни ўртага ташлашди. Мутасаддилар берилган саволларга атрафлича жавоблар қайтарди. Узоқ тортишувлардан сўнг қонун лойиҳаси маъқулланди.

Йиғилишда фракция фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАР БИЛАН
УЧРАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига санокли кунлар қолди. Президентликка партиялардан кўрсатилган номзодларнинг мамлакатимиз бўйлаб сайловчилар билан тарғибот ишлари жадал равишда давом этаётган бир вақтда уларнинг ҳудудлардаги ишончли вакиллари ҳам жойларда фаоллик кўрсатишмоқда.

«Адолат» СДПдан Президентликка номзод этиб кўрсатилган **Робахон Махмудованин** ишончли вакили **Руиддин РАУПОВ** Қашқадарё вилоятининг Чироқчи, Шаҳрисабз, Нишон, Деҳқонобод, Касби, Қамаш, Яккабоғ каби бир қатор туманларида ташкил этилган учрашувлари давомида номзоднинг Сайловолди дастурида давлат ва жамият тараққиёти йўлида илгари сураётган ғоя ва мақсадлар борасида сайловчиларга батафсил тушунчалар бериб ўтди.

– Янги Ўзбекистоннинг янги Конституциясида илк бор Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлатдир, деган юксак қоида ўз ифодасини топди, – дейди Руиддин Раупов.

– Қонун устувор бўлган жамиятда ривожланиш, тинчлик ва осойишталик, барқарорлик ҳукм суради, тараққиётининг бардавомлиги таъминланади, халқнинг давлат сиёсати ва истиқболга бўлган ишончи ортади, юртдошларимизнинг Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалади.

Ишончли вакиллар учрашувлари Самарқанд вилоятида давом этмоқда. **Робахон Махмудованин** Самарқанд вилоятидаги ишончли вакили **Музаффа АБДИЕВА** номзоднинг Сайловолди дастури тарғиботи билан вилоятнинг турли ҳудудларида бўлиб, сайловчилар билан беvosита савол-жавоблар асосида қизғин суҳбатларда қатнашди.

Бўлиб ўтган учрашувларда ишончли вакил номзод Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари хусусида сайловчиларга батафсил тушунчалар берди.

Музаффа Абдиеванинг ҳудудларда ташкил этилган учрашувлари давомида Сайловолди дастурида жамиятимиз ҳаёти билан боғлиқ тўққизта йўналишдан иборат долзарб вазифа борасида қилган маърузаси йиғилганларнинг қизиқишига сабаб бўлди. Тадбирларда иштирокчилар партиямиз томонидан кўрсатилган номзод Робахон Махмудованин Сайловолди дастури юзасидан ўз муносабатларини баён этишди.

Партиямиз номзодининг **Бухоро вилоятидаги ишончли вакили Мақсуд ҲАМИДОВ** ҳам тарғибот масалаларида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Ишончли вакилнинг учрашувлар давомида Сайловолди дастурида келтирилган адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат куриш жараёнида аёллар ҳамда эркакларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият, имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги борасидаги фикрлари сайловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимиз ҳаётидаги мазкур муҳим сиёсий тадбирга **Наманган вилоятида** ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда. «Адолат» СДП ташкилотларида тарғибот-ташвиқот ишлари қизғин паллага кирди. Бунда омма



вий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

– Барча ишларни мувофиқлаштиришни Сайловолди ишбаимиз ўз қўлига олган, – дейди вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Баҳодир Болтабоев. – Меҳнат жамоалари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг таклифларига биноан жойларга фаолпаримиздан иборат гуруҳларни юбориб турибмиз. Улар сайловчиларни партиямиздан Президентликка номзоднинг Сайловолди дастури, таржимаи ҳоли билан яқиндан таништирмоқдалар.

Президентликка номзод **Робахон Махмудованин** вилоятдаги ишончли вакили – «Адолат» СДП вилоят кенгаши раиси **Исроилжон ЖўРАЕВ**нинг сайловчилар билан учрашувлари ҳам юқори савияда ўтмоқда. Албатта, мавзу номзодимизнинг Сайловолди дастури асосига қурилган. Вилоят миқёсидаги фактлар ва мисоллардан ўринли фойдаланилган кишиларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигига ижобий таъсир қилмоқда.

Поп, Мингбулок, Давлатобод туманларида Президентликка номзоднинг ишончли вакили билан учрашувлар янада қизғин ўтди. Эътиборли жиҳати – уларнинг ҳар бирида



иштирокчиларнинг тоифасига қараб мавзу танланди. Албатта, аввал номзоднинг таржимаи ҳоли, босиб ўтган ҳаёт йўли, Сайловолди дастурининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди. Кейин эса, масалан, Давлатободда ижтимоий адолатни ва миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш диққат марказида бўлди. Чунки бу туман янги ташкил этилган, ишлаб чиқариш жадал тараққий этмоқда. Попада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида олға сурилган масалаларга урғу берилди. Мингбулокликлар билан суҳбатда эса ҳуқуқий давлат куришга оид вазифалар барчанинг қизиқишига сабаб бўлди.

Робахон Махмудованин Фарғона вилоятидаги ишончли вакили **Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА** номзоднинг Сайловолди дастурини вилоят бўйлаб ташкил этилаётган учрашувлар давомида сайловчиларга батафсил тушунтираётгани кўпчилиқнинг эътирофига сазовор бўлмоқда. Ишончли вакил Сайловолди дастуридан ўрин олган юртимизда ҳуқуқий давлат куриш, давлат ва жамият ҳаётида ижтимоий адолатни қарор топтириш, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасини барқарор ривожлантириш,

аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга доир мақсад ва вазифалар борасида турли маълумотлар бериб, сайловчиларни 9 июль санасида Робахон Махмудовага овоз беришга чорламоқда.

Сурхондарё вилоятида ҳам номзоднинг ишончли вакили томонидан олиб борилаётган ишлар қизғин паллада. Президентликка номзоднинг **Сурхондарёдаги ишончли вакили – «Адолат» СДП вилоят кенгаши раиси Рустам ҲАМРАЕВ** сайловчилар билан бўлиб ўтаётган учрашувларда Сайловолди дастурида илгари сурилаётган илм-фан соҳасидаги ислохотларнинг узвий давоми сифатида педагог-муаллимлар меҳнатини рағбатлантириш, ўқитувчилик касби нуфузини ошириш, умумтаълим мактабларида ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларининг қарор топишига эришиш, таълим муассасаларида тиббий хизмат даражасини ошириш каби мақсадлар бугунги замон талаби ва эҳтиёжларидан келиб чиққанлиги, қолаверса, электротартибнинг асосий вакиллари бўлган педагогларнинг манфаатлари ифода этилганлиги борасидаги таклифларга алоҳида эътибор қаратиб, бундай ёндашув келажақда мамлакат учун замонавий, юқори интеллектуал кадрларни тайёрлашда илм-фаннинг барча босқичидаги ислохотларни янада жадаллаштиришга хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

Ишончли вакил сайловчилар билан учрашувлари давомида номзоднинг Сайловолди дастуридан ўрин олган аҳолини тиббий хизмат билан таъминлаш, фуқаролар орасида тиббий маданиятни шакллантириш каби ижтимоий масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқда. Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ролини кучайтириш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ватанпарвар, профессионал ва фидойий инсонлар келишини таъминлаш, жиноятчиликка, порахўрликка, зўравонликка қарши курашиш, адолатли ва мустақил суд-ҳуқуқ тизимини яратиш ишларини давом эттириш каби асосий масалалар дастурдан ўрин олганлиги алоҳида таъкидланмоқда.



КУЧЛИ ВА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТГА ИЖТИМОЙ таракқиёт орқали эришамиз

Инсоният тарихи ҳар қандай жамият учун ижтимоий адолат – барқарор ривожланиш кафолати бўлиб хизмат қилишини исботлаб келмоқда. Ижтимоий адолат, энг аввало, шахс ва жамият ўртасидаги адолатли муносабатлар ҳолатидир. Зеро, ижтимоий адолат, бу – сиёсий қарашлари, жинси, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида барча фуқароларнинг ўзаро тенглигини таъминлайдир.

**Муҳаммаджон ВАЛИЕВ,
Мақсуд ҚУРБОНБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари**

Дунё таърибасидан келиб чиқадиган бўлса, ижтимоий давлат ўз сиёсатида ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиқиб фаолият юритади. Бундан кўзланган асосий мақсад эса, жамиятда яратилаётган моддий бойликларни ижтимоий адолат тамойили асосида қайта тақсимлаш ҳамда маънавий бойликлардан фойдаланишда тенг имкониятларни яратиб беришдан иборат. Бу жараёнда ҳар бир фуқароннинг турмуш шароитини сифат жиҳатидан юқори даражага олиб чиқиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига давлат томонидан ёрдам кўрсатиш кўзда тутилади. Яъни, **ижтимоий адолат – фаровонлик даражасига эришишда имкониятлар тенглиги ва уларнинг оқилона тақсимланиши баробарида ижтимоий имтиёзлар бериш мезонлари билан ўлланади.**

Жамиятда ижтимоий адолат тамойиллари устуворлигига эришиш ҳаракатлари олис ўтмишдан мавжуд бўлган, унинг янги босқичи XX асрнинг бошларида Германия ва Буюк Британияда, кейинроқ эса АҚШда бошланган. Аср охириларига келиб эса бундай ёндашув Жанубий Корея, Янги Зеландия сингари кўплаб давлатларда ўз самарасини бера бошлаган.

Айнан шу сабабли ҳам жаҳондаги социал-демократик ҳаракатлар фаолиятининг асосий туб мазмунида ижтимоий давлатнинг яратувчанлик салоҳияти ётади. Ўз навбатида, бу тамойил кўпгина давлатларнинг конституцияси ҳамда қонунларида акс этган. Давлат томонидан ижтимоий кафолат эса иқтисодиёт ва солиқ сиёсатини самарали амалга ошириш орқали таъминланади.

Хорижий давлатларда мазкур жараён давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари томонидан кучли жамоатчилик назорати асосида кузатилади. Шунингдек, жараённинг бориши, самарадорлик, вужудга келаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, зарур қарорлар қабул қилиш учун изчил мониторинг ва таҳлил қилиб боришнинг мустақил тизими йўлга қўйилган.

Юқорида келтирилган хориж таърибаси мамлакатимизда фаолият олиб бораётган “Адолат” социал-демократик партияси илгари сураётган ғоялар билан ҳамоҳангдир. Хусусан, партиядан Президентлик қадамга номзод Робохон Махмудованинг Сайловолди дастурида ҳам Ватанимиз таракқиёти йўлида демократик ҳуқуқий, ижтимоий давлат ва барча учун фаровонлик таъминланган адолатли фуқаролик жамиятини қуришнинг социал-демократик модели тақлиф этилмоқда.

Мазкур моделнинг асосий қоидалари эса қуйидагилардан иборат:

- инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат ва жамиятнинг энг юксак қадриятлари эканлигини тан олиб, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш;
- Ўзбекистоннинг имкониятлар тенглиги, адолатлилик, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият тамойиллари ҳукморонлик қиладиган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган кучли “ижтимоий давлат” сифатида, аҳолининг юқори турмуш даражасига эга ривожланган давлатлар қаторига қўшилишга эришиш;
- халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлиши ҳақидаги конституциявий принцип давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини таъкидлаб, халқ ҳокимиятининг ёрқин тимсоли бўлмиш вакиллик демократияси институтининг роли ва аҳамиятини янада ошириш;
- мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, жамиятнинг инновацион, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ва инсон капиталини ривожлантириш;
- ҳар бир инсон фаровонлигининг гарови бўлган тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, фуқаролар тотувлиги, миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама муво-

занатли, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсат олиб бориш.

Эътибор берсак, аҳолимиз 2040 йилга бориб 50 миллионга етади, жамиятнинг ярмидан кўлини ёшлар ташкил қилади. Уларга муносиб ҳаёт шароити яратиш учун эса барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар бўлиши лозим.

Мазкур воқеликдан келиб чиққан ҳолда, янги таҳрирдаги Конституциянинг 1-моддасида “Ўзбекистон – **ижтимоий давлат**” тамойили мустаҳкамлаб қўйилди. Шу билан бир қаторда, давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 баробардан зиёдроққа кўпайтирилиб, ижтимоий давлат моделини амалга ошириш механизмлари қатъий белгиланди. Жумладан, Конституцияда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятлари, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилашда инсоннинг муносиб яшашини таъминлаш ҳисобга олиниши каби ижобий жиҳатлар ўрин олди.

Шу сабабли номзод Робохон Махмудованинг Сайловолди дастурида мазкур сазй-ҳаракатларни янада чуқурлаштириш, самарадорлигини ошириш юзасидан қатор тақлиф-ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Жумладан, номзод кенг қўламли дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган **кучли ижтимоий давлат сиёсатини** қўллаб-қувватлагани ҳолда ўз Сайловолди дастурида фуқароларни **ижтимоий ҳимоя қилиш**, бу йўналишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича “**Ижтимоий давлат – 2030**” дастурини ишлаб чиқиш тақлифини бермоқда.

Албатта, дунё амалиётидан маълум, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими нафақат муҳтожларга моддий ёрдам беришга, балки аҳолининг кўмакка зарурати бор қатламларини камбағалликдан қайтарилган йўналтирилган бўлиши мумкин. Жумладан, **пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар** миқдори энг кам истеъмол харажатларидан **оз бўлиши мумкин эмаслиги** конституциявий даражада белгилаб қўйилди.

Шубҳасиз, ижтимоий адолат тамойиллари устувор бўлган давлатни барпо этишда, биринчи навбатда, таълим, илм-фан ва инновациянинг аҳамияти жуда катта. Янгиланган Конституциямизнинг 52-моддасида давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиши, уларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида **ғамхўрлик қилиши** ҳақидаги норма ўз аксини топди. Албатта, мамлакатимизда фаолият юритаётган 685 мингдан ортиқ ўқитувчиларнинг профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланиш кучайтирилиши уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми ва обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Юртимизда таълим олиш ҳуқуқи ва имкониятини янада кенгайтириш учун номзоднинг Сайловолди дастурида **ўқитувчининг обрў-эътибори, бу – аввало, миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътибори** экани алоҳида қайд этиб ўтилган. Шу боис, партия педагог ҳодимларнинг обрў-эътиборини ошириш ҳамда юксак мақомини белгилаш орқали уларнинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган ташкилий чораларни қўриш тарафдорли. Шу мақсадда **ўқитувчи макомига оид қонуннинг тезроқ қабул қилиниши** устувор масала сифатида белгиланган.

Айни пайтда Президентликка номзод ўз Сайловолди дастурида таълим соҳасида илгор давлатлар таърибаси ва миллий қадриятларимизга таянган ҳолда **мактабларда таълим беришнинг амалдаги стандартларини такомиллаштириш ҳамда мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида изчил ислоҳ қилиш** ғоясини ҳам илгари сузмоқда.

Бу бежиз эмас, чунки Япония, Сингапур, Жанубий Корея, Швеция



ва Финляндия сингари кўплаб мамлакатлар айнан ўқитувчи мавқеини мустаҳкамлаб, уларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини ошириш орқали мамлакатларининг юксак тараққиётига, ривожланишига замин яратди. Мазкур давлатларда педагог кадрларнинг нуфузи ва ойлик маошлари ҳам шунга яраша экани сир эмас.

Албатта, бугуннинг боласи мактабга боғча таълимини олиб, маълум тайёргарлик ва билим билан келмоқда. Шу боисдан номзод дастурида **боғчаларда жамоатчилик назоратини кучайтириш** зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, мактабгача ва мактаб таълими мамлакат келажиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигидан келиб чиқиб, **барча боғча ва мактабларга ҳодимларни ишга олишни очик, шаффоф танлов асосида ташкил қилишни** йўлга қўйиш тақлиф этилмоқда.

Шубҳасиз, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимида **соғлиқни сақлаш** соҳаси алоҳида ўрин тутди. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг энг катта бойлиги – халқининг саломатлиги.

Шу боис, Президентликка номзод Робохон Махмудованинг Сайловолди дастурида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, халқ саломатлигини авайлаб-асраш масалаларига чуқур эътибор қаратилган.

Ҳаммамизга аёнки, “Адолат” социал-демократик партияси аҳолига кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш, замонавий технология ва даволаш усуллари кенг жорий қилиниши давом эттириш тарафдорли. Шундан келиб чиққан ҳолда номзоднинг Сайловолди дастурида ҳам тиббиёт соҳасини ривожланган мамлакатлар таърибаси асосида янада ислоҳ этиш тақлиф қилинмоқда.

Жумладан, дастурда “**ақли тиббиёт**” тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, **тиббиёт соҳасига замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этишни** кенгайтириш ғояси илгари суриляпти.

Жаҳон таърибасидан маълумки, “ақли тиббиёт” аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва ахборот беришнинг автоматлаштирилган тизими бўлиб, соҳага технологик ечимларни жорий этиш орқали миջозлар тўғрисида биотиббий маълумотларнинг ягона платформаси яратилади. Тиббий карталарнинг тармоқли тизими жорий қилинади, масофавий диагностика, интернет ва мобил иловалар асосида хизматлар кўрсатилади. Тизим орқали виртуал тиббий қўриқдан ўтказиш, виртуал шифохона хизмати, электрон рецептлар, телеметрия ва симсиз алоқадан фойдаланган ҳолда тиббий ёрдамини ойда олиш тизими йўлга қўйилди.

Бундай самарали тиббий тизим ҳамда тиббиёт ҳодимларини қонун йўли билан ҳар томонлама ҳимоя қилиш жаҳоннинг қатор ривожланган давлатларида, жумладан, Германия, Франция, АҚШ ва Исроилда амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Зеро, биз йигирма биринчи асрда, юксак технологиялар даврида яшамокдамыз. Энди фан-техника янгиликлари, замонавий ахборот коммуникация технологиялари – ҳамма-ҳаммаси аҳоли саломатлигини ишончли сақлаш ва ҳимоя қилиш учун хизмат қилиши лозим. Бу жараёнда ҳар бир хонадонга, ҳар бир оилага энг замонавий коммуникатив технологиялари қириб бориши қисқа муддат ичида ўзининг самарасини беради, албатта.

Шу боис, номзоднинг Сайловолди дастурида соғлиқни сақлаш тизимини ижтимоий давлат тамойилига мувофиқлаштирган ҳолда “**Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодекси**” лойи-

ҳасини янада такомиллаштириш, бу йўналишда, соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этиб ўтилган.

Дастурда давлат томонидан берилган тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхати қайта шакллантирилиб, ижтимоий дорихоналарни ривожлантириш, оғир касалликларни тўлиқ давлат томонидан даволашни кафолатлаш тизимини қўллаб-қувватлаш лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, номзодимиз ўз дастурида фармацевтика соҳасини тартибга солиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни тақлиф этар экан, бундай тизим, энг биринчи навбатда, **фармацевтика ва тиббиёт ҳодимлари орасидаги яширин келишувларга ҳамда дорилар нархининг асоссиз оширилишига** чек қўяди, деб ҳисоблайди.

Дори-дармон, унинг сифати ва нархи билан боғлиқ муаммолар ижтимоий тармоқларда ҳам сайловчиларимиз томонидан муҳокама этиладиган мавзулардан бири ҳисобланади.

Айтиш лозимки, республикада 2018 йилда 10 минг 764 дорихона фаолияти йўлга қўйилган бўлса, 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 15 минг 799 тага етган, яъни дорихоналар сони деярли 40 фоизга ортиган. Мамлакатда ўртача 2320 аҳолига битта дорихона тўғри келади.

Бу кўрсаткич хорижий давлатларга қиёсаланданда битта дорихона Данияда 18,5 минг, АҚШда 5,3 минг, Буюк Британияда 4,96 минг, Германияда 3,97 минг, Туркияда 3,36 минг аҳолига тўғри келади.

Қўриб турганимиздек, Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич катта тафовутни ташкил қилиб, дорихоналар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Айни шу каби жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда номзоднинг Сайловолди дастурида бугунги кунимиз учун ўта долзарб бўлган масала ҳам қамраб олинган. Яъни, **нодавлат тиббиёт ташкилотларини тижорат ташкилотидан нотижорат ташкилотига ўтказиш** бўйича амалий чораларни қўриш тақлифи ўрин олган. Номзод тиббиёт даромад олиш манбага айланмаслиги тарафдорли эканини қайд этиб ўтган. Масалая бундай ёндашув келажакда халқ манфаати учун хизмат қилади, албатта.

Сайловолди дастурида **тиббиёт ҳодимларининг мақомини алоҳида қонун билан белгилаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва уларга нисбатан турли таъкидларнинг олдини олиш** мақсадида қонунчилигимизни янада такомиллаштириш борасида тақлиф этилаётган лойиҳалар тиббиёт борасида кўзланаятган тараққиёт моделининг ажралмас бир қисми деб, бемалол айтишимиз мумкин.

Бу жараёнда тиббиёт соҳасида **малака оширишнинг марказлашган тизимини қайта қўриб чиқиш, малака оширишни ихтисослашган марказларда ва вилоятларда ташкил этиш** тақлифлари ҳам илгари сурилмоқда.

Бугунги жамиятимизда учраб қолаётган оғриқли ҳолатлардан бири, яъни фармацевтика ва тиббиёт ҳодимлари орасидаги яширин келишувлар орқидан беморларга ҳаддан зиёд дорилар сотиб олишга ундаш ҳолатлари учрамоқда. Бунинг натижасида, **Ўзбекистон кўп антибиотиклар истеъмол қилинадиган мамлакатлар қаторидан ўрин олмоқда. Тиббиёт муассасаларининг фаолиятига очикчасига фармацевтика ташкилотлари томонидан ҳомийлик қилиниши** ҳам оддий ҳолга айланди. Бундай ҳолатларга чек қўйиш лозим. Зеро, миллат соғ-

лиги ва генофонди ҳам айни шу масалаларга бевосита ва билвосита боғлиқ. Бу салбий воқеликка муносабат номзод дастурида ўз ифодасини топгани эътиборга молик, албатта.

Тиббиёт соҳасидаги бундай муносабатлар тўғрисида-тўғри манфаатлар тўқнашувидир ва коррупциявий ҳолат, деб баҳоланиши лозим, дейилади дастурда. Тиббиётчилар ва фармацевтлар ўртасида ноқонуний мулоқот тўлиқ тақиқланиши керак, бундай мулоқотлар ва совғалар учун жазо муқаррар бўлиши, янги дорилар ва даволаш услублари фақат вазирилик томонидан тўшунтирилиши лозим. Бир сўз билан айтганда, Президентликка номзод Робохон Махмудованинг Сайловолди дастурида **тиббиёт соҳасидаги дориларнинг давлат харидлари бўйича алоҳида тартиб белгилаш** ғояси ҳам илгари сурилмоқда.

Зеро, шундай қилинса, дориларнинг ягона электрон базасини янада такомиллаштириш орқали дори-дармонларнинг ноқонуний айланмасига, фармацевтика ва тиббиёт ҳодимлари ўртасидаги яширин келишувларга ҳамда дорилар нархининг асоссиз оширилишига чек қўйилади.

Албатта, ҳам тиббиётга, ҳам аҳоли сийхат-саломатлигига алоқадор бўлган экология, атроф-муҳит муҳофазаси масалалари номзод эътиборидан четда қолмаган. Дастурда алоҳида таъкидланишича, экологик муаммоларни ҳал этишда номзод ўз сазй-ҳаракатларини, биринчи навбатда, ушбу муаммоларнинг иқтисодий жиҳатларига қаратади. Барча экологик муаммоларни ва у билан боғлиқ фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларини **фақат давлат бюджетига юклash тўғри бўлмайд**и. Президентликка номзод “**Экологияни ифлослантирувчи – компенсация тўлаши лозим**” деган тамойил тарафдорли.

Шулар билан бир қаторда номзоднинг Сайловолди дастурида саноат ишлаб чиқаришнинг ва умуман, миллий иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланмиш йўл инфра-тузилмасини яхшилашга, мавжуд йўлларни таъмирлашга бирламчи эътибор қаратилган. Жумладан, номзод йўлсозлик соҳасида бажарилаётган ишларнинг сифати устидан **жамоатчилик назоратини кучайтиришни** тақлиф этмоқда. Айни пайтда бу соҳада амалий тадқиқотларимиз ютуқларидан кенг фойдаланиш, олимларимизни рағбатлантириш зарур ва бу, юртимизда замонавий, сифатли, кўп йиллар хизмат қиладиган йўлларнинг кўпайишига олиб келади, деб ҳисоблайди.

Робохон Махмудова ўз Сайловолди дастурида миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш заруратини алоҳида қайд этиб ўтган. Бунинг учун, аввало, давлатнинг иқтисодий фаолияти натижасида юзага келган ялпи ички маҳсулотни адолатли тақсимлашни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш бирламчи вазифамиз, деб ҳисоблайди.

Айни пайтда дастурда ҳудудлар ўртасидаги **бир хил иқтисодий ўсишни таъминлаш, туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантириш** белгиланган. Бунда эса, бозор иқтисодиёти шароитида **аҳолининг кескин табақаланишига йўл қўймасликка** алоҳида эътибор қаратилади. Яъни, **ҳудудларни бир**

маромда ривожлантиришда давлат йўл, сув, газ, электр энергияси каби зарур масалаларга жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Номзод дастурида иқтисодиётни инсон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда модернизация қилиш бўйича комплекс чоралар қўришга чақиради. Жумладан, номзод дастурида “**Рақамли иқтисодиётда аҳоли бандлигини таъминлаш – 2030**” дастурини ишлаб чиқиш тақлиф этилмоқда.

Мамлакатимизнинг саноат салоҳиятини ошириш ва ҳудудларни изчил ривожлантиришда кичик саноат зоналари муҳимлигини инобатга олиб, мазкур соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида “**Кичик саноат зоналари тўғрисида**” қонун қабул қилиш ғояси ҳам илгари сурилмоқда.

Робохон Махмудова ўз Сайловолди дастурида божхона ва солиқ имтиёзларини такомиллаштириш ҳамда имтиёзларни аниқ соҳаларга бериш тарафдори эканлигига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Буюртмачи ва етказиб берувчи ўртасида тузиладиган шартнома чинакам ҳуқуқий воситага айлантирилиши шарт ва бу жараёнга ҳокимиятнинг аралашувига чек қўйилиши лозим, дейилади номзод дастурида. Шунингдек, номзод юзага келган ҳар қандай низо **фақат суд қарори** билан ечим топишига устуворлик бериш тарафдордир.

Номзод иқтисодий йўналишдаги тақлифлари доирасида жамиятда ижтимоий тенглик ўрнатиш мақсадида **жисмоний шахслар даромадларига прогрессив солиқларни жорий этишни** тақлиф қилмоқда. Бунга асос сифатида яширин иқтисодиётнинг вужудга келиши бевосита солиқ ставкаларидан ҳам кўра кўпроқ солиқ сиёсати қанчаллик адолатли эканига боғлиқлиги, яъни солиқ сиёсати қанчаллик самарали бўлмасин, солиқ ставкаси қанчаллик пайдаятирмисин, солиқ тўловчи ундан қочишга интилади. Прогрессив солиқ тизими бугунги кунда **Франция, Австрия, Германия, Япония** каби мамлакатларда самарали қўллаб келинади.

Президентликка номзод Робохон Махмудованинг Сайловолди дастурида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш, фан ва амалиётнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш яқин келажакда Ўзбекистоннинг аграр соҳадаги улкан имкониятларини рўёбга чиқаришда, қишлоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда, камбағаллик муаммоларини ҳал этишда ижобий натижалар беришига алоҳида эътибор қаратилган.

Номзод қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш ғоясини илгари сузмоқда. Бу борада қишлоқ хўжалигида суғурталаш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жумладан, “**Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурталаш тўғрисида**” янги қонун қабул қилишни тақлиф этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ривожланган давлатлар таърибаси ўрганилганда, Испания қишлоқ хўжалиги суғуртаси соҳада 42 йиллик бой таърибага эгалиги, ўз ўрнида ушбу давлатнинг суғурталаш тизими дунёнинг қишлоқ хўжалиги ривожланган бошқа давлатларида ҳам андоза сифатида тан олинган ҳамда юртимиз билан иқлимий мутаносиблиги жиҳатидан яқинлиги номзод Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоя ҳаётлигидан далолат беради.

Францияда эса “Қишлоқ хўжалигини суғурталаш тўғрисида”ги миллий қонун 1984 йилда қабул қилинган. Қайд этиш лозимки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида суғурта тизими биринчи мартаба Францияда қўлланилган бўлиб, 1750 йилда бир нечта фермерлар қишлоқ хўжалиги экинларини суғурталаш бўйича бирлашган. Францияда қишлоқ хўжалиги экинлари ва яйлов чорвачилиги бўйича табиий офат натижасида қўрилган зарарларни қоплаш учун “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кафолатлаш Миллий фонди” фаолият юритади. Фонднинг асосий мақсади миллий ва профессионал бирдамликни амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги суғуртаси сектори учун солиқ юқини камайтиришдан иборат.

“Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Махмудованинг Сайловолди дастурида мана шундай қўллаб олижанов ва эзгу мақсад-вазифалар, элимиз фаровонлигига, мамлакатимиз таракқиётига хизмат қиладиган йўналишлар белгиланган.

Сиз, азиз сайловчиларни “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод – Робохон Махмудова учун овоз беришга чақириб қоламиз!

✓ **Қўтлов**

*Самарқанд ҳақида ўйлаганимда оташна-
фас шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг қуйидаги
мисралари ёдимга келаверади:*

**Зарафшонни лойлатиб кечган
Чавандозлар бордир бу элда.
Нега дейсизми? Чунки Самарқандга қайси
тарафдан келсангиз ҳам Зарафшон дарёси ёки
унинг бирон irmoғи орқали кирасиз. Шу боис
Зарафшонни маълум маънода Самарқанднинг
рамзий тимсоли, дейиш мумкин.**

**Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

“ЗАРАФШОН” СЎЗ ДАРЁСИ

...Ўзбекистониимиз мустақилликка эришганидан кейин республика-
мизда нашр этиладиган аксарият га-
зета ва журналларнинг номи ўзгарди.
Шулар орасида энг муваффақиятли
чиққанларидан бири, менингча, “За-
рафшон”дир. Шўро даврида “Ленин
йўли” номи билан чиққан вилоят га-
зетаси истиқлолдан кейин “Зарафш-
он” деб аталгани жўғрофий жиҳат-
дан ҳам, мантиқ нуқтаи назаридан
ҳам нихоятда тўғри, адолатли бўлди.
Бу фикр, бу ташаббус кимдан чиққан
бўлса ҳам отасига минг раҳмат! Зеро,
газета ҳам мисоли бир дарё, сўз
дарёси. Дарё рўйи заминга, инсония-
ятга оби ҳаёт олиб келса, газета жа-
миятга, инсониятга маънавий, руҳий
озука беради. Дарё табиат ва инсо-
ниятнинг ботиний кирини тозаласа,
газета жамият ва инсониятнинг зохи-
рий кирини тозалайди, қалбига нур
бағишлайди, дунёқарашини ўзгарти-
ради, кўзини очади. Дарё гоҳ сокин
оқади, гоҳида тўлиб-тошади, пишқи-
ради, ҳайқиради. Ва одамларни
хушёр бўлишга мажбур қилади. Га-
зета ҳам яхши, ёқимли сўзлар би-
лан одамлар дилига ором беради,
баъзан жамият, инсонлар ҳаётидаги
камчиликлар, иллатлар, нуқсонлар
ҳақида аччиқ сўзлар айтади, бонг
уради. Бу билан одамларни камчи-
лик ва нуқсонларга нисбатан бефарқ
бўлмасликка, адолатли, ҳақиқатпар-
вар, энг муҳими, элсавар бўлишга
даъват этади. Аён бўладики, дарё ва
газетанинг вазифаси моҳиятан уйғун.

Шуларни ўйлаганимда ота юртим
– Самарқандимнинг икки Зарафшо-
ни

бир-бирини тўлдириб, бир-бирини
қўллаб-қувватлаб келаётганидан
мамнунийк туяман, кўнглим равшан
тортади.

Шоир Зарафшон дарёсини лойла-
тиб кечган чавандозлар ҳақида сўз
юритган. Буюк шоиримизнинг руҳи
олдида таъзим қилиб, изн сўраган
ҳолда “Зарафшон” газетасини “лой-
латиб кечган чавандозлар”нинг ай-
римларни эслаб ўтишни лозим топ-
дим.

Мен бу газета билан ўқувчилик
йилларимдан дўстман, ҳамкорман.
Газета таҳририятида турли лаво-
зимда ишлаган Нуриддин Шукров,
Аҳмаджон Мухторов, Марди Нурид-
динов, Самариддин Сирожиiddинов,
Суръат Орипов каби олим, шоир ва
ёзувчилар билан кўп мулоқот қил-
ганман, устозларнинг маслаҳат ва
йўл-йўриқларидан баҳраманд бўл-
ганман, тенгдошларимиз билан ада-
биёт, журналистика, умуман, ҳаёт
ҳақида баҳс-мунозаралар қилган-
миз. Ўқувчилик давримда газетада
каптарнинг патидек хабарим чиқса,
ҳатто таҳририятга жўнатган “мақо-
ла”мга таҳририят бланкасида ёзил-
ган ва таҳририят конвертига солин-
ган жавоб хати келса (у пайтларда
таҳририятларга келадиған ҳар бир
хатга, ҳажми, жанридан қатъий на-
зар, жавоб ёзилар эди) осмонларга
учгудай суюниб, еру кўкка сигмай юр-
ганларим ҳамон ёдимда... Бу газета,
бу таҳририят билан боғлиқ таассу-
ротларим бир олам...


Тақдир тақозоси билан Тошкентда
ўқидим ва шу ерда яшаб қолдим. Қа-

чон Самарқандга йўлим тушса, тўғри
“Зарафшон” (“Ленин йўли”) таҳри-
риятига борар эдим. У ерда ме-
нинг синфдош жўрам Асад Дилму-
род ишларди. Асад орқали таҳрири-
ятдаги бошқа ходимлар, жумладан,
Нусрат Раҳматов, Суръат Орипов,
Абдусодиқ Муртазоев, Абдурашид
Абдурахмонов, Ҳабиб Темиров, Ғу-
лом Алиев сингари ёзувчи ва журна-
листлар билан танишганман. Нусрат
Раҳмат билан кейинчалик “Ўзбекис-
тон адабиёти ва санъати” газетаси
таҳририятида бирга ишладик. Сак-
сон ёшдан ошганига қарамай ҳамон
фаол ижод қилаётган бу адиб ака-
мизнинг ижодига ҳам, оиласига, тур-
муш тарзига ҳам хавасдаман. Оллоҳ
умрини узоқ қилсин.

Асад таҳририятдаги фаолиятини
мусаҳҳиҳликдан бошлаб, масъул ко-
тиб даражасигача борди. Нуриддин
Шукровдай адабиёт билимдони, Аҳ-
маджон Мухторовдай фидойи журна-
лист раҳбарлигида ишлагани Асад
учун ўзига хос ижод мактаби вазифа-
сини ўтади. Натижада Асад бир қат-
тор публицистик мақолалар, ўнлаб
ҳикоялар, қиссалар ва бир неча ро-
ман ёзди. Унинг тарихий мавзудаги
ҳикоялари, қиссалари, Паҳлавон

*Дарвоқе, бугун мамлакатимиздаги оқсоқол нашрлардан бўлган “За-
рафшон” 110 ёшга тўлибди! Муборақ бўлсин! Газетанинг ҳам, уни бу-
гуни талабчан, нозик дидли ўқувчиларга манзур қилиш учун кўз ну-
рини, ақл-заковатини аямай меҳнат қилаётган журналистлар, тех-
ний ходимлар, жамоанинг барча аъзоларининг умри узоқ, доимо эл-юрт
ардоғида бўлсин! Сизларни қутлуғ тўй – 110 ёш билан чин қалбимдан
муборақбод этаман. Оллоҳ сизларга куч-қувват, сўнмас илҳом, жасо-
рат ва сабр берсин, азиз ҳамкасблар!*

✓ **Ҳаёт чорраҳаларида**



**Юртимиз кундан-кунга чирой очмоқда. Илм олиш, ишлаш, чиройли яшаш учун барча шарт-шароитлар яратил-
ган. Қадриятларимиз қайтганига беҳад қувонамиз. Мана, юртимизда миллий, диний байрамларимиз кенг ни-
шонланаяпти, урф-одатларимиз ҳаётимизга жо бўлмоқда. Турмушининг оғир кўнларини кўрган биз, кексалар бун-
дай дориломон кўнларга етганимизга шукрона айтаемиз. Бу кўнларнинг қадрига етиш керак. Аммо шундай кўнларда
ҳам, ғуруч қурмакис бўлмаганидек, баъзан учраб қоладиган салбий ҳолатлар одамнинг таъбини хира қилади.**

**Тўрамирзо ОРИПОВ,
истеъфодаги подполковник**

Халқимизда “Яхшини танишар
жўлнинг ичида, ёмонни танишар гул-
нинг ичида” деган пурмаъно мақол
бор. Савиясиз, тарбиясиз, илмсиз
киши гўзал ҳаётнинг ҳам хуснига доғ
бўлади. Бу фикрларни бекорга айта-
ётганим йўқ.

Ёш йигитларнинг соқолларини
ўстириб юришганини кўрсам, ғашим
келади. На гигиенага, на озодаликка
риоя қилмасдан, ёши йигирмага ет-
масдан соқолини кўксигача ўстириб
олган ёшлардан бунинг сабабини
сўрасангиз, “Мусулмонман, алҳам-
дулиллаҳ”, деб жавоб беришади.
Биринчидан, инсон фақат соқол
ўстирган билан мусулмон бўлиб ёки

соқолини олдирган билан мусул-
мончиликдан чиқиб қолмайди. Озо-
далик, орасталик, камтарлик, гўзал
тарбия ва муомала маданияти му-
сулмончиликнинг асосий талабларидандир.

Буларни қаламга олишимга
яқинда жума намозидан чиқи-
шимдаги бир ҳолат сабаб бўлди.
Юқорида таърифлангандек, бир қари-
ч соқолли йигитлар масжиддан
чиқаётган отаси, бобоси тенги ота-
хонларни туртиб-суриб кўчага шоши-
лишарди. Улардан бири қўлидаги те-
лефон орқали ким биландир балан-
довозда сўзлашиб борарди. Буни сўз-
лашиш деб ҳам бўлмасди, унинг

кимдидир бўралаб, оғизга олиб бўл-
майдиган уят сўзлар билан ҳақорат
қилаётганини эшитиб, бу йигит ким
биландир уришиб-ёқалашаяпти, деб
ўйлаш мумкин эди. Ҳозиргина Ярат-
ганга тоат-ибодат қилиб, гуноҳлари
афвини сўраб масжиддан чиқишга
ҳам улгурмаган йигитнинг бу қадар
хаёсизлик қилаётганини кўриб чидаб
туролмадим. Масжиддан ташқарига
чиққач, салом бериб, ҳозир яхши иш
қилмаганини, аввало, телефонини
кўчага чиққач ёқиши лозимлигини,
шунда бошқаларнинг ҳам таъбини
хира қилмаслиги мумкинлигини,
бунинг устига суҳбатдошини бун-
чалик беҳаё сўзлар билан ҳақорат-
лаши гуноҳи азимлигини айтдим.
Айтдим, уч нафар “дўст”ларнинг
менга бирваракайига “Бориб бо-
лаларингга насихат қил” каби даш-

номларидан бошим гангиб қолди.
Мен эса “Мўмин мўминга кўзгудир”,
дея улардан узр сўрашга мажбур
бўлдим.

Фарзандинг тугул неваранг тенги
ёшлар маслаҳатинг учун сенсираб,
дашном берса-я! Буларнинг ҳозир-
гина бажарган ибодат амаллари
нима бўлди?

Масжиддан қайтар эканман, ибо-
дат бўлса-ю тарбия бўлмаса, бу
ибодат мукаммал бўлмас экан, де-
ган фикрим янада қатъийлашди.
Шу боисдан ота-оналарга айтмоқчи
бўлган гапим, фарзандим тоат-ибо-
датли, ислом амалларини мукаммал
бажаради, деб асло хотиржамликка
берилман. Болангиз кичкинали-
гидан таълим ва тарбиясига эъти-
борли бўлинг. Зеро, гўзал хулқ ин-
сонни улуғлик сари етаклайди!

✓ **Ёднома**

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИЛК ҲУҚУҚШУНОС АЁЛ



*Юртимизда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ар-
боби, академик Хадича Сулаймонова номини эшитмаган
инсон топилмаса керак. Ўтган асрда ўзбек аёлларидан би-
ринчи бўлиб ҳуқуқшунослик илмини мукаммал эгаллаган бу
инсон республикаимиз суд-ҳуқуқ тизимида, айниқса, жиноят
ҳуқуқи йўналишида ўзига хос мактабга асос солган.*

**Зилола ТАЛИПОВА,
Тошкент давлат юридик университети
Ахборот-ресурс маркази 2-тоифали кутубхоначиси**

Жорий йилда 110 йиллиги кенг нишонланаётган Хадича Сулай-
монова Андижон шаҳрида таваллуд топган. Болалигидан илм-
фанга иштиёқи баланд бўлган. Х.Сулаймоновада ҳуқуқшунос-
ликка бўлган меҳр эрта уйғонган. Аввал ҳуқуқий йўналишдаги
илмий-тадқиқот институтининг тайёрлов курсида таҳсил олган Ха-
дича кейинчалик Тошкентда эндигина ташкил этилган Жаҳон Оби-
дова номидаги қурилиш ва ҳуқуқ институтининг иккинчи босқичига
қабул қилинади.

Хадича Сулаймонова меҳнат фаолиятини 1935 йилда халқ
судьялигидан бошлаб, 1964 йилга қадар Ўзбекистон Олий суди аъ-
зоси, юридик фанлар доктори, профессор, Юридик институт дирек-
тори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фан-
лар академиясининг ҳақиқий аъзоси, академик, Адлия вазيري, Ва-
зирлар Маҳкамаси ҳузуридаги юридик комиссия раиси, Олий суд
раиси лавозимларида ишлаб, юксак унвонлар билан тақдирланади.
Табиийки, олима аёл тоталитар тузум даврида, совет таълим тизими
ва сиёсий мафқурасида вояга етган. Шундан келиб чиқиб, “Ўзбекис-
тонда Совет жиноят ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши”
мавзуда докторлик диссертациясини ёқлаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Хадича Сулаймонова жи-
ноят ҳуқуқи бўйича ўзбек тилида яратилган биринчи дарслик, 80
дан зиёд илмий-оммабоп рисоалар, давлат ва ҳуқуқ тарихига оид
3 томлик китоблар муаллифидир. Қолаверса, у 1959 йилда Ўзбе-
кистон Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари, 1961-1963 йил-
ларда эса Ҳуқуқолик ҳамда Ҳуқуқолик-процессуал кодекслари
тасдиқланишида ҳам жонбозлик кўрсатган, умуман олганда, Ха-
дича Сулаймонова бизга ва келажақ авлодга катта илмий мерос
қолдирди. Айни пайтгача амал қилаётган, Хадича опа раҳбарли-
гида тайёрланган қонунлар, мажмуалар (кодекслар), илмий асар-
лар ана шу бебаҳо мероснинг бир қисмидир. Бу маънавий-ҳуқуқий
мерос унинг ворислари – ёш ҳуқуқшунослар томонидан тарихий,
ҳуқуқий маърифат намуналари сифатида ижодий ўзлаштирилиб,
кейинги авлодларга етказиб берилмоқда.

Хадича опа нафақат ҳуқуқшунос олима, балки табиатан камтар,
ҳалол, покиза ва фидойи инсон ҳам эди. Шоғирдлари ўз халқини
севиб ва унга фидойи бўлишни Х.Сулаймоновадан ўрганишган.
Чунки у ўзбек миллати учун яшади, халқининг қувончи, дарди-ға-
мига доимо шерик бўлди.

Афсуски, юртимиздан етишиб чиққан биринчи аёл академикнинг
умри қисқа экан. Олима 1965 йилда Тошкент шаҳрида вафот этган.
Албатта, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда бемин-
нат хизмати сингган олима Х.Сулаймонованинг номи халқимиз
учун мўътабар ҳисобланади. Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон
Адлия вазيري лавозимида ишлаган олима Мамлакат Восиқова
унинг энг яқин шоғирди, биринчи аспиранти эди. М.Восиқова усто-
зининг ёш илмий кадрлар тайёрлаш борасидаги жонбозлиги ва
ғамхўрлиги тўғрисида шундай дейди: “**ПРОФЕССОР Х.СУЛАЙМО-
НОВА НИХОЯТДА БАНД БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ, ОЛИМЛАР ТАЙЁРЛАШ
ИШИГА ҲАМИША ВАҚТ ТОПАРДИ. У ҲАР БИР ИЛМИЙ ХОДИМНИ ЎЗ
ФАРЗАНДИДЕК ТАРБИЯЛАРДИ. У ИЛТИФОТЛИ, СЕЗГИР, ҚАЛБИ ПОК
ИНСОН ЭДИ. ЎЗИНИ АЯМАСДАН ҚАЛБ АМРИ БИЛАН ИШЛАРДИ.**”

Олима машҳур ҳуқуқшунос сифатида Лондон, София, Қоҳира,
Токио, Деҳли, Прага, Коломбода ўтказилган турли илмий анжуман-
ларда сўзга чиқиб, юриспруденция ва оила социологияси му-
аммолари бўйича чуқур билимга эга эканлигини намойиш қилди.
Шуни фахр билан айтиш жоизки, ўзбек миллатининг қатагон қи-
линган ва номлари ноҳақ қораланган, “халқ душмани” деган тамга
остида йўқ қилиб юборилган ёки айбсиз ҳолда озодлиқдан маҳрум
қилинганларни, қонунийлик асосида улар истиқлол курашчилари,
ўз миллатининг асл фарзандлари эканлигини амалда исботлашга,
уларни батамом оқлашдек шарафли ишга ўзининг муносиб ҳисса-
сини қўшди. Айниқса, унинг 1956 йилда 1937–1938 йилларда “Катта
террор” номи остида қатагон этилганларни реабилитация қилишдаги
хизматлари беқиёс.

Ўзбек халқи ва ҳукумати томонидан ҳуқуқшунос олимани эъзоз-
лаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахтимиздаги
марказий кўчалардан бирига, Республика Суд экспертизаси мар-
кази ва илмий тадқиқот институтига унинг номи берилган.

Хадича Сулаймоновани ҳеч иккиланмай аёлларнинг жамият ва
давлат қурилишида, оилада ўз ўрнини топишларида, уларни қўл-
лаб-қувватлашда бошқаларга намуна сифатида кўрсатиш мумкин.
Хулоса қилиб айтганда, юртимизда фидойи аёллар, эл-юрт рав-
наки учун сидқидилдан меҳнат қилаётган хотин-қизлар кўп. Ис-
тиқлол Хадича Сулаймонова сингари аёлларимиз учун чексиз им-
кониятлар эшигини очди, билим ва малакаларини оширишларига
шарт-шароит яратди, яхшиликлар сари илҳомлантирди.

KUCHLI VA ADOLATLI JAMIYATGA IJTIMOIY BIRDAMLIK ORQALI ERISHAMIZ!

✓ 9-IYUL

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASIMAXMUDOVA
ROBAHON

✓ Устоз эътирофи

АДОЛАТНИ УЛУҒЛАБ КЕЛМОҚДА

“Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатилган Робохон Махмудовани 1976 йилдан буён биламан.

Карим ТАЛИБОВ,
Суд тизими фахрийси

Бу ёруғ оламда инсонларнинг ҳаёт аъмоллари турли хил тарзда кечади. Баъзилар мактаб таълимини ўтаб бўлгандан кейин, ёшлигидан бошлаб ҳаёт йўлларига тайёр бўладилар. Айримлар эса ўрта ёки олий таълим сабоқларидан сўнг ҳаёт йўллари билан белгилаб оладилар.

Робохон мактаб таълимидан кейин ҳаёт йўлини, фаолият соҳасини белгилаб олганлардан бири бўлди. Мактабни битириб Фаргона вилоят судининг котибаси бўлиб ишга жойлашди. Икки тилни яхши билиши суд мажлисларида котибалик ишини аъло даражада бажаришда қўл келди.

Аввалдан ҳуқуқ соҳасига қизиққан қиз Тошкент давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг сиртки бўлимида таълим олади. Ўз ишига масъулият билан ёндашиши туфайли касбдошлари ўртасида ҳам, одамлар орасида ҳам ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади. Котиба сифатида одамлар орасида ғамхўр ҳуқуқшунос сифатида танилади.

У котибаликдан сўнг Фаргона шаҳар Давлат нотариал идорасининг нотариуси бўлиб ишлади. Кейин ёш бўлишига қарамай Фаргона вилоят Адлия бошқармаси таъсисидан ўринбосари лавозимига тавсия этилди. Унинг ҳуқуқий соҳада қисқа вақт ичида бундай лавозим эгасига айлиши бежиз эмасди. Бу жабҳада у бор илмий, ҳуқуқий, ишбилармонлик фаолиятини намоен қилди ва ўша йиллари жойларда адолатни таъминлаш, одамларнинг оғирини енгил қилиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш, ҳуқуқий билимларни тарғиб этиш бора-сида бевосита халқ вакиллари билан

учрашувлар ўтказиш орқали самарали ишлади.

Адлия соҳасидаги ибратли ишлари инobatга олиниб Р.Махмудова Фаргона вилоят партия кўмитасининг маъмурий бўлимига ишга ўтказилди. Вилоят миқёсида маъмурий органларнинг фаолиятини назорат қилиш, уларнинг фаолиятини ҳуқуқий, қонунлар асосида уйғунлаштириш жараёнларида фаолият олиб борди.

Робохон қаерда, қайси соҳада ишлаган, доимо бошқаларга ибрат бўлиб фаолият юритди. Ўз ишида янгиликлар яратишга, одамларга яқиндан ёрдам беришга, қонунларга оғишмай амал қилишга интилди. Шунинг учун ҳам у 1990 йилда Фаргона вилоят Адлия бошқармасининг биринчи ўринбосари лавозимига муносиб деб топилди. У бу вазифада 1999 йилга қадар ишлади.

Унинг ҳуқуқ соҳасидаги меҳнатлари бесамар бўлмади. 1999 йилда у Жиноят ишлари бўйича Фаргона вилоят судининг судьяси лавозимига ўтказилди. Орадан кўп ўтмай Фаргона шаҳар судининг раиси лавозимига тайинланди. Унинг бу даврдаги фаолияти кўплаб фуқароларнинг тақдирларини, оилаларда юзга келган жиноятларни адолатли ҳал қилиш, жиноят содир этганлар учун жазо муқаррар эканлигини таъминлаш, ўзи ишлаётган суд тизимида адолат мезонини ўрнатиш билан ўтди. Айни пайтда у Фаргона шаҳри ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида фаол қатнашди, раҳбар сифатида жамоатчилик асосида қийналган оилаларга маслаҳат ва кўмагини аямади. Жиноятчиликнинг олдини олиш борасида

жойларда кўплаб анжуманлар, йиғилишлар, учрашувлар ўтказди.

Унинг ўз ишига масъулият билан ёндашганлиги, меҳнатсеварлиги натижасида эришган натижалардан бири пиллапоysi Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъатининг судьяси лавозими бўлди. У Олий суд судьяси сифатида фаолиятини қонунларни тарғиб қилиш, суд амалиёти мамлакатимизнинг барча ҳудудларида адолатли, қонуний бўлишини таъминлаш, аҳоли ўртасида қонун устуворлигини мустаҳкамлаш каби масалаларга қаратди. Олий суднинг амалиётини яхшилаш бора-сида фидойилик билан меҳнат қилди. Меҳнаткашлиги боис 2008 йилда Жиноят ишлари бўйича Фаргона вилоят судининг раиси лавозимига тайинланди.

Ўша пайтда Р.Махмудова мамлакатимиз суд тизимида раҳбар бўлиб ишлаётган санокли аёллардан бири эди, десак янглишмаймиз. Одатда аёл раҳбар бўлган ташкилотлар, муассасаларда иш юритиш жараёнида ўзига хос тартиб-интизом, муносабат, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, ижтимоий ҳимоя ва ёшларни кўплаб-қувватлашда янгиликлар юзга келади. Суд раиси ўша йилларда Фарғонада ҳуқуқ соҳаларида ана шундай ижобий муҳитни юзга келтирди. Шу билан бирга унинг ташаббуси билан вилоятда янги замонавий суд биноси барпо этилди. Бино барча техник воситалар билан жиҳозланди. Натижада суд мажлисларини видеокузатувга олиш, судьялар малакасини ошириш мақсидида видеоолақа ўрнатиш, судлов жараёнларини кузатиш имкониятлари пайдо бўлди. У мамлакатимизда суд тизимини ислоҳ қилиш, судьялар ва судлар мустақиллигини таъминлашга оид ислохотлар жараёнида фаол иштирок қилди. Судларни ихтисослаштириш, маъмурий судларни ташкил этиш, суд муассасалари ва фуқаролар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, очкилик ва шаффофликни ўрнатиш бўйича унинг бир қатор ташаббуслари кўплаб-қувватланиб, бугунги кунда амалиётда қўлланилмоқда.

У ўша йиллари судьялик фаолияти билан чекланиб қолмасдан Фаргона юридик коллежиде махсус фанлар ўқитувчиси бўлиб ишлади ва ёш кадрларга таълим-тарбия бериш жараёнида ҳам фаол қатнашди. Кўплаб ёш ҳуқуқшуносларнинг билимли ва малакали кадрлар бўлиб етишишига муносиб ҳисса қўшди, фаолияти давомида кўплаб шогирдлар тарбиялаб етиштирди. Улар айни пайтда, республикаимизнинг ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ташкилотларида, хусусан, суд, прокуратура, адвокатура, нотариат соҳаларида самарали фаолият юритмоқдалар.

Робохон Махмудованинг кейинги фаолияти Фаргона вилояти Халқ қабулхонаси мудир вазифаси билан боғлиқ кечди. Ташаббускорлик, ши-

жоат, меҳнатсеварлик, бировнинг дардини эшитиш ва унга малҳам топиш, оддийлик, камтарлик, одамларга яқин бўлиш каби хислатлар унинг обрўсини янада оширди. “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурларининг бажарилишини назорат қилиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, аҳолининг турли қатламларига мансуб фуқароларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳолини яхшилаш, ота-онасиз қолган болаларни уй-жой билан таъминлаш, аёлларни ишли қилиш каби масалалар унинг Халқ қабулхонасидаги ташкилотчилик, етакчилик фаолиятининг бир қисмини ташкил этади.

2020 йилда Робохон Махмудова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси ва Сенатда “Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари” кўмитаси раиси этиб сайланди. Бу даврда унинг раҳбарлигида 7 та қонун ва ўндан ортқ масала Сенат ялпи мажлислари муҳокамасига киритилган. Кўплаб қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинишида ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этган.

2020 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб то ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари – Маъмурий ишлар бўйича судлов хайъатининг раиси вазифасида ишлаб келмоқда. Олий суд томонидан мамлакатимизнинг ўндан ортқ қонунлари ишлаб чиқишида, шунингдек, кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланишида бевосита иштирок қилди. Бир неча минглаб фуқароларни қабул қилиб, уларнинг арз ва шикоятларини адолатли ҳал этди. Олий суд пленумлари қарорларини ишлаб чиқишда қатнашди.

У ижодий-илмий жабҳада ҳам фаол. Унинг 140 дан ортқ илмий ва оммабоп мақолалари нашр этилган. Судьялар учун 10 дан ортқ услубий кўлланимлар яратган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига “Адолат” СДПдан номзод Робохон Махмудованинг Сайловолди дастури кенг қўлламлиги ва бугунги ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларидаги долзарб масалаларни қамраб олганлиги билан эътиборни тортади. Жумладан, унда мамлакатимизда қучли ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият барпо этиш масаласига алоҳида ўрин берилган. Дастурда “Адолатли келажакни танлаймиз!” деган ғоя асосий шор қилиб олинган. Зеро, широнинг асосига бундай ғоя танланган бежиз эмас. Негаки, ҳаётнинг бутун моҳияти адолатдир. Адолат бор жойда ҳаёт мувозанатлашди, ҳақиқат қарор топади, жамият, давлат тараққий этади, халқ, миллатлар фаровон яшайди. Адолатли жамият қуришнинг эса ўз талаблари бор. Шунинг учун дастурда “Биз давлат бошқарвида очкилик ва шаффофликни таъминлаш, унда фуқаролар иштирокини кенгайти-

ришнинг замонавий ва самарадор усуллари жорий қилиш тарафдоримиз. Бу борада адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуришнинг барча жабҳаларига амал қилиш учун жамоатчилик назоратини кучайтириш катта аҳамият касб этади. Бундай назоратни ташкил қилишда партия жамоатчилиги ва ижтимоий ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда ҳаракат қилади”, дейилади. Айни пайтда, номзоднинг Сайловолди дастурида ижтимоий адолатни қарор топтириш масаласига алоҳида урғу берилган. Ижтимоий адолат эса ҳаётимиздаги барча соҳалар билан боғлиқдир. Демак, номзод ишлаб чиқаришнинг барча йўналишларида, ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида ижтимоий адолатнинг қарор топишига эътибор қаратади. “Биз анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўлламли дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган қучли ижтимоий давлат сиёсатини кўплаб-қувватлаймиз, — дейилади дастурда. — Меҳнат қонунчилиги устуворлигига, ходимлар ҳуқуқлари тўла таъминлалишига эришамиз. Аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг реал даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратамиз. Конституциямизга кўра ҳар бир инсон уй-жойга эга бўлишга ҳақли. Ушбу конституциявий қонидани таъминлаш учун биз ўзининг даромади билан уй-жойли бўлиш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар учун қўшимча имкониятларни излаймиз”.

Айни пайтда дастурда “Биз мамлакатимизда ишлаётган ёлланма ва мавсумий ишчиларга кенг шароитлар яратиб берамиз, уларнинг меҳнати қадрланишини ва муҳофаза қилинишини, меҳнатига яраша ҳақ олишини, меҳнат стажига қўшилишини ва келажакда муносиб пенсия олиши бўйича чоралар кўраамиз. Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бу йўналишда тадбиркорлик субъектларини қўлаб-қувватлаш бўйича “Ижтимоий давлат – 2030” дастурини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз,” деган сўзлар ҳам битилганки, бу номзод томонидан талқин этилаётган адолат тамойилларининг кенг қўлламлилигини намоен этади.

Табиийки, ижтимоий адолатни қарор топтириш учун илм-фан, инновация соҳаларини ривожлантириш ҳаётий зарурат ҳисобланади. Шу сабабли номзоднинг дастурда “Биз илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш орқали фан – таълим – ишлаб чиқариш тизимларининг узвий алоқадорлигини таъминлаймиз. Биз нафақат олимларни, балки ихтиро ва ихтирочиларни ҳам қўллаб-қувватлаймиз, рағбатлантираамиз ва

УЛАРГА ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТАМИЗ. ШУНИНГДЕК, ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЛОКОМОТИВИ БЎЛГАН ИНЖЕНЕР, ТЕХНОЛОГ, АГРОНОМ-МЕХАНИЗАТОР КАБИ МУТАХАССИСЛАРНИНГ СОНИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРАМИЗ. ТАЪЛИМГА ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШ – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ, ДАВЛАТНИНГ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ ДЕМАКДИР”, дея алоҳида таъкидланган.

Албатта, номзоднинг Сайловолди дастури “Адолат” СДПнинг сиёсий платформаси билан ўзаро уйғунлик ҳосил қилган. Шунинг учун ҳар иккала дастурда адолат тамойиллари бўйича мақсад ва режалар ҳам ўзаро ҳамоханг келади. Бу фикрларни номзод дастуридаги ҳар бир йўналишдаги режалар ҳамда “Адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлигини, фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тақомиллаштириш партия фаолиятининг устувор йўналишидир”, деган сўзлар ҳам яна бир қарра исботлайди.

Бугунги кунда адолат ва маънавият тушунчалари ўзаро боғлиқ эканлигини, бу икки тушунча жамиятнинг муҳим асоси эканлигини ҳар қандай одам яхши англайди. Маънавият бўлмаган жойда адолат, адолат бўлмаган жойда маънавият бўлмаслиги кундай аён. Номзод дастурида айнан шу йўналишда “Биз Ўзбекистонда адолатли жамият ва адолатпарвар давлат барпо этиш жараёнлари, бунёдкор халқимиз ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни она юртада садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий ғазилатларни шакллантириш, халқимиз ёшларнинг руҳий дунёсини издан чиқаришга қаратилган турли бузуғчи қучлар, маънавий таҳдидлар аҳборот хуружларининг олдини олишнинг қонуний асосларини яратишни ўзимизнинг бош мақсадимиз, деб биламиз”, деган ғояни илгари суради. Дастурда адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш бош мақсад сифатида белгилади.

Ёшлигидан адолатни улуғлаган, шу йўлда хизмат қилган Робохон Махмудовани, шовирднинг шундай йўллари босиб ўтиб, Президентликка номзод даражасига етганидан фахрланаман. Муносиб номзод учун овоз берасизлар, деган умиддаман.

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис:
«Адолат» СДП
Спёсий
Кенгаши

Баҳром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бош муҳаррир: Ислам ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими —
71 288-46-54 (149);
71 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132);
Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Масъул котиб — Абдуғани Содиқов
Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов

Таҳрират манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани «Шарк тонги» кўчаси, 23-уй.

1995 йил 22 февралдан
чика бошлаган

info@adolatg.uz
adolatg-95@mail.ru



1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қозғ бичими А-2.
Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бюртма Г — 600

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

Таҳриратга келган қўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳрират жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади — 15 759
Босишга топширилган вақти — 21.00
Босишга топширилган — 21.00
Баҳоси келишилган нархда